



XALQ DEPUTATLARI SAMARQAND VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 1 - mart

VI-56-39-7-0-K/22

Samarqand viloyat hokimligi

Самарқанд вилоятида юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкнинг мутлақ қийматига камайтирувчи коэффицентларни қўллаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 412-моддасига мувофиқ, вилоят Давлат солиқ бошқармасининг 2022 йил 14 январдаги (19/10-01752-сон) ва вилоят Молия бош бошқармасининг 2022 йил 21 январдаги (01/02-38/93-сон) хулосаларига асосланиб, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ эллик еттинчи сессияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Самарқанд вилояти туманларининг иқтисодий ривожланишига қараб юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкнинг мутлақ қийматига қўлланиладиган камайтирувчи коэффицентлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ўраков), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Инагамов) мазкур қарорга асосан юридик шахсларнинг мулк қийматига қўлланилаётган камайтирувчи коэффицентлар тўғрисидаги маълумотларни солиқ тўловчиларга етказилишини таъминлансин.

3. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” (А.Анваров) ушбу қарорни оммавий ахборот воситаларида чоп этилиши ҳамда вилоят ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари

вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков) зиммасига юклансин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси



Э.Турдимов

Халқ депутатлари Самарқанд
вилоят Кенгашининг
2022 йил 1 мартдаги
VI-56-39-7-0-К/22-сон қарорига
1-илова

**Самарқанд вилояти туманларининг иқтисодий ривожланишига қараб
юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда қўчмас мулкнинг мутлақ
қийматига қўлланиладиган камайтирувчи коэффициентлар**

T/P	Худудлар номи	Камайтирувчи коэффициент (йирик солиқ тўловчилардан ташқари)	Минимал миқдор 2022 йил учун (минг сўм)
1.	Оқдарё тумани	0,65	650,0
2.	Булунғур тумани	0,65	650,0
3.	Жомбой тумани	0,70	700,0
4.	Иштихон тумани	0,65	650,0
5.	Каттакўрғон тумани	0,60	600,0
6.	Қўшработ тумани	0,50	500,0
7.	Нарпай тумани	0,60	600,0
8.	Пайариқ тумани	0,60	600,0
9.	Пастдарғом тумани	0,70	700,0
10.	Пахтачи тумани	0,50	500,0
11.	Самарқанд тумани	0,75	750,0
12.	Нуробод тумани	0,50	500,0
13.	Тайлоқ тумани	0,70	700,0
14.	Ургут тумани	0,60	600,0